O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI KOGON TUMANI HOKIMINING

QARORI

200700, Kogon shahri, Buxoro shoh ko‘chasi 16 uy. Tel: (8 365)524-61-77, faks: (8 365) 524-75-36

2022 - yil 4 - oktabr 437-2-36-Q/22 Kogon tuman hokimligi

Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 февраль кунидаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш чоралари” тўғрисидаги видеоселекторидаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Когон туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 17 июндаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш тизимини кенгайтириш тўғрисида” ги 40/2013-сонли хати инобатга олинсин.

2. Тумандаги “Уйрот” ахоли яшаш жойидан ўтувчи 4Р-65 автомобиль йўлининг 37.6-километрида пиёдалар серқатновлигини инобатга олиб йўлнинг икки томонидан сунъий нотекисликлар ўрнатиш, йўл белгилари билан жихозлаш ва ёритиш чироқлари ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман ИИБ бошлиғи (У.Хасанов), Когон ТЙФУ корхонасига туман ҳудудида оғир оқибатли йўл транспорт ходисалар сони кескин ортганлиги, худудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл транспорт ходисасини олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11

февраль кунидаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш чоралари” тўғрисидаги видеоселекторидаги топшириқларга асосан ҳудудлар ва автомобиль йўлларига йўлнинг икки томонидан ёсунъий нотекисликлар ўрнатиш, пиёдалар ўтиш жойи (зебра чизиғи чизиш) яратиш, йўл белгилари билан жихозлаш ва ёритиш чироқлари ўрнатиш;

туман ҳудудидаги умум фойдаланувдаги транспорт йўлларида ҳаракат ҳавфсизлигини узлуксиз таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгилари тўғрисидаги жадвални шакллантириб туман ҳокимидан тасдиқлатиш;

туман ҳудудидаги умум фойдаланувдаги транспорт йўлларни ҳаракат ҳавфсизлигини узлуксиз таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мавсум давомида содир бўлиши мумкин бўлган ҳаракат хавфсизлигига доир ҳар бир ҳолат бўйича тегишли чораларни кўриши ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб бориши юклатилсин.

4. “Когон ҳаёти” газетаси таҳририяти З.Халилова ва туман ҳокимлиги матбуот котиби А.Қаххоров ушбу қарорнинг туман газетасида чоп этилишини ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ж.Каримов зиммасига юклатисин.

Туман ҳокими **Эсанов М.Т**